

САЛОМ, МАКТАБ!

БУГУН РЕСПУБЛИКАМИЗНИНГ БАРЧА МАКТАБ,
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ДАРГОҲЛАРИДА
ЯНГИ ЎҚУВ ЙИЛИ БОШЛАНДИ.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!



СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети,
Ўзбекистон ССР Олий Совети ва Министрлар Советининг органи

ГАЗЕТА 1918 ЙИЛ 21 ИЮНДАН
ЧИҚА БОШЛАГАН

1 сентябрь 1970 йил, сешанба

№ 203 (14.669) Баҳоси 2 тейин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети область ва шаҳар партия комитетларига, Қорақалпоғистон АССР Министрлар Советига, область ва шаҳар ижроия комитетларига шаҳарлардаги саноат корхоналарининг кучи ва маблағлари билан пахта териш техникаси ва қуришиш-тозалаш цехларини ремонт қилишда ҳамда уларга пахтани териш ва қуришиш даврида техника ёрдами кўрсатишда колхозларга, совхозларга ва тайёрлов пунктларига оталиқ ёрдами беришни ташкил этишни тавсия этди.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА ЎЗБЕКИСТОН ССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ «РЕСПУБЛИКА КОЛХОЗЛАРИ, СОВХОЗЛАРИ ВА ТАЙЁРЛОВ ПУНКТЛАРИНИ ПАХТАНИ ТЕРИШ ВА ТАЙЁРЛАШГА ҲОЗИРЛАШ ТЎҒРИСИДА»ГИ ҚАРОРИДАН.



А. Тўраев фототўди.

БУХОРОДА
МАШИНА
ТЕРИМИ
БОШЛАНДИ

РЕСПУБЛИКАДА БИРИНЧИ

ҚОРАҚЎЛ РАЙОНИ
20 МИНГ ТОННА
ПАХТАНИ
БУНКЕРЛАРДАН
ТУКАДИ

МАШИНАДА
ҲАР КУНИ
6,5-7 ТОННАДАН

БУХОРО. «Совет Ўзбекистони» мухбири. Ленин ордени Бухоро областининг механизаторлари республикада биринчи бўлиб пахтазорларга терим агрегатларини киритдилар. Ўзбек пахтачилиги тарихи машина теримига ҳали бунчалик эрта муддатни кўрмаган эди. Машина теримини Қорақўл районидagi «Москва» колхозининг механизаторлари бошлаб бердилар. Бу ишга олдиндан пухта тайёргарлик қўрилди, пайкаллар бегона ўтлардан тозаланди.

Колхоз аъзолари 1921 гектар ерда мўл ҳосил етиштиришди. Хўжалик механик-ҳайдовчилари бу йил давлатга сотилдиган 7000 тонна пахтанинг қариб яримини машинада териб беришга аҳд қилдилар. Бунинг учун 15 та «ХТ-12», 5 та «Ўзбекистон» маркали терим агрегатлари шайланган, дала бошига чиқариб қўйилган эди. Улар биринчи ишга туширилди. 58 та принципал трактор терилган ҳосилни «шмапеш» тайёрлов пунктларига етказиб бериб турибди.

Эрта пилган ҳосил пахтакор-

ларни шошириб қўйиши мумкинлигини яхши англаган марди-мўддорлар ишни вақтида бошладилар. Колхозда 22 август куни дастлабки 500 гектар ердаги ўзанинг барги хамиявий усулда дориланди. Бу ерда жами 1200 гектар майдонда дефолиация ўтказиш мўлжалланган. Шундай қилиб, машина теримига кенг ва катта йўл очиб берилди. Дастлабки колхознинг Раим Қиличев, Бўрибой Хасанов ўртоқлар бошлик бригадалари машина теримига киришди. Мавсумда хирмонга 250-300 тоннадан «оқ олтин» тўкиш мажбуриятини олган Сакина Давлатова, Мардон Рўзқулов, Аскар Сатторов, Раҳмон Имомовларнинг ҳар бири биринчи кунлик «Ўзбекистон» маркали терим агрегати бункеридан 6,5-7 тоннадан пахта тўқдилар. Терим суръати кун сайин ортиб борапти.

Мардон Рўзқулов машина теримига пешқадам. У, бултур 250 тоннадан ортиқ пахта терган эди. Ҳозир у бошқарётган агрегатдаги қизил аловда «Партия XXIV съезди» шарафига 300

тонна пахта тераман», деган сўзлар ёзиб қўйилган. Унинг мусобақадорли Сакина Давлатованинг бу йилги марраси 250 тонна. Кейинги уч кунда ҳар икки мусобақадор механизатор биргаликда 50 тоннадан ортиқ пахта терди.

Кунини кеча хўжалик пахтазорларига яна бешта терим агрегати киритилди. Ҳозир колхозда тўқ қизта «зангори кема» тўла қувват билан ишлаб турибди. Яқин кунларда терим машиналарининг ҳаммаси ишга туширилади.

Машина терими биринчи кунданок ўз самарасини кўрсатмоқда. Бўрибой Хасанов бошлик бригада асосан машина терими ҳисобига бугун-эрта планни бажаради. Бригада аъзолари кунига йиллик планининг 14,15 проценти миқдорда пахта тайёрлашга эришишди. Раим Қиличев, Қуронбой Шероф, Абдухамид Сантов ўртоқлар бошлик бригадаларда ҳам машина терими тўғрисида сурат қўтарилди. Бу бригадалар ҳам ҳар кун давлатга йиллик планининг 7,5-8 процентида ошириб пахта топширапти.

Хўжалик бўйича бир кунда давлатга йиллик планининг 7 процентида ошириб пахта топширилди. Колхозда йиллик планини энг қисқа муддатда, мажбуриятнинг эса 20 октябргача бажариш мўлжалланган.

Шу райондаги «Шарқ юлдузи» колхозини далада ҳам терим машиналарининг гурилган овози эшитилиб турибди. Бу ерда машина теримига пухта ҳозирлик қўрилди. Бир текис бўлиқ гузаларнинг тўқ қўсақлари дефолиациядан кейин чаман-чаман очилиб кетди. 20 га яқин терим агрегати дала бошига чиқариб қўйилган. 40 дан ортиқ механик-ҳайдовчи командани кутиб турган эди. Мавсумда 2500 тоннадан зиёд пахтани бункерлардан тўкиш мажбуриятини олган колхоз механизаторлари ғайрат билан ишга киришиб кетдилар. Ҳозир далада бешта «зангори кема» ишляпти.

Райондаги Навоий номи «Ленинград», Киров номи, «Провод» колхозларида ҳам бугун эрта машина терими бошланди. Мазкур хўжаликларда ҳосилни

машинада терилдиган майдонлар бегона ўтлардан тозаланиб, атрофи текисланган. Сифатли дефолиация қилинган майдонлар машина терими учун тайёр бўлиб турибди.

Қорақўл районининг партия, совет ва кишлоқ хўжалик органлари юбилей йилида машина теримини намунали ўтказиш ҳамда бу соҳада колхозларга яқиндан ердам кўрсатиш тadbирларини ишлаб чиқдилар. Ишчан коммунист мутахассислар жойларда ҳар бир терим агрегатининг ишини алоҳида-алоҳида ҳисобга олиб боришади.

«Узсельхозтехника» район бир-

лашмасининг кўма устхоналари ва уларнинг инженерлари машинани таъминлаш учун яқиндан кўмак кўришади.

Қорақўлликлар она-Ватан ҳазинасига 60 минг тонна пахта тўқидилар. Бу — пландагидан 9 минг тонна кўпдир. Район механизаторлари яқин ҳосилнинг учдан бир қисмини — 20 минг тоннасини бункерлардан тўқидилар. Ҳимматини бағли, дала гвардиячилари!

Т. НАЗИРОВ.

Суратда машина терими.



ЎРТОҚ ГЕННАДИЙ ИВАНОВИЧ ВОРОНОВГА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети Сизни 60 ёшга тўлган кунингизда қизгин табриклийдилар.

Сизга, Геннадий Иванович, совет халқининг бахт-саодат йўлида, мамлакатимизда коммунизм тантанаси йўлида узоқ умр, сиҳат-саломатлик ҳамда бундан буён ҳам самарали меҳнат қилишингизни тилаймиз.

СОВЕТ ИТТИФОҚИ
КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ
МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ

СССР
МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ
ФАРМОНИ

ЎРТОҚ Г. И. ВОРОНОВНИ ЛЕНИН ОРДЕНИ
БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТЎРИСИДА

Коммунистик партия ва Совет давлати олдидаги катта хизматлари учун ҳамда туғилган кунига 60 йил тўлиши муносабати билан КПСС Марказий Комитети Сизнинг бюросининг аъзоси, РСФСР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ Геннадий Иванович Воронов Ленин ордени билан мукофотлансин.

СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

Н. ПОДГОРНИЙ.

СССР Олий Совети Президиумининг Секретари

М. ГЕОРГАДЗЕ.

Москва, Кремль, 1970 йил, 29 август.



ПАХТАЛАР КАРВОН-КАРВОН

Кечки пайт. Термиз пахта тозалаш заводига қарашли «Октябрь» пахта қабул қилиш пункти эшигига «оқ олтин» ортиб, тизиллиб турган автомат машина ва трактор тележаларининг кети қўйилган.

Кеч соат еттида қизил карвон пункт ҳовлиси томон йўл олд. Колоннага «Октябрь 40 йиллик» колхозининг заршу-нослари карвонбошлик пилатилар. Пункт мудир Махмуд Ҳайиталев қизил карвонини бошлаб келган Эшпўлат Норбоев бошлик бригада тележаларида кетирилган пахталарни

тарозига тортишни тақдир этди. Бу бригаданинг 10 та трактор тележасида келтирилган пахта 43 тонналик тошни босди. Пункт товароведи Хўжаберди Наймов лаборант билан биргаликда янги пахта ҳосилни кўздан кечиришга, аъло сортли эканлигини айтдилар. «Октябрь 40 йиллик» колхозининг аъзолари юбилей йилида 1800 гектар майдоннинг ҳар гектаридан 35 центнердан янгица толали пахта сотиш учун қурашяптилар. Улар ўз зиммаларига олган 6100 тонна «оқ олтин»ни 15 октябргача

тайёрлов пунктига тўкиб, йиллик планини ошириб бажаришга сўз бердилар.

Шу кунини қизил карвон колоннаси сафида қатнашган Жалов номи колхозининг Рўзқой Раҳматов, Хотам Баратов, Ражаб Холеров, «Намуна» колхозининг Жума Шойназаров, Миср Маллаев, Оллоқул Оллонов, Майна Усмонова ўртоқлар бошлик бригадалари пахтакорлари ҳам тайёрлов пунктига 21,5 тонна янгица толали пахта тўқидилар.

Шу куннинг ўзида «Октябрь» тайёрлов пунктига 70 тоннага яқин иппак пахта тўқилди. Юбилей йили «оқ олтин» омборларга оқа бошлади.

А. ХАЛИЛОВ,
«Совет Ўзбекистони» мухбири.

ДЕЛЕГАЦИЯ ҚАЙТИБ КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитети Сизнинг бюроси аъзоларига келди. Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР делегацияси 30 августда Тошкентга қайтиб келди. Делегация Қозғистон ССР ва Қозғистон Компартиясининг 50 йиллиги муносабати билан Олмвотда ўтказилган юбилей тантаналарида қатнашган эди.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ АШХОБОДГА КЕЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев 31 августда Олмаотадан Ашхободга келди.

Ашхобод аэропортида ўртоқ Л. И. Брежневни Туркманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ М. Гафуров, Туркманистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ А. М. Қичев, Туркманистон ССР Министрлар Советининг Раиси ўртоқ О. Н. Уразмухамедов, Туркманистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари, Ашхобод партия, совет органларининг раҳбарлари, республика пойтахти жамоатчилигининг вакиллари кутиб олди. (ТАСС).

Делегациянинг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов бошчилигидаги Ўзбекистон ССР делегацияси 30 августда Тошкентга қайтиб келди. Делегация Қозғистон ССР ва Қозғистон Компартиясининг 50 йиллиги муносабати билан Олмвотда ўтказилган юбилей тантаналарида қатнашган эди.

Л. И. БРЕЖНЕВ.

✦ Республикамизда 7490 та умумий таълим мактаблари бўлиб, уларда 160 мингга яқин ўқитувчи 3.303 минг ўқувчига таълим беради.



А. ҚУРҒОНБОВ.

М. Нуритдинов фототарих

